

МАЪНАВИЙ ИЛЛАТЛАР – жамиятда ўрнатилган ижтимоий , маън-й, ахлоқий, ҳуқуқий, мад-й меъёр ва қоидаларга зид бўлган хатти-ҳаракатларни ифодаловчи т. М.и. маънавий соғломликнинг акси бўлиб, маъ-ятсизлик, яъни инсон ижтимоий лашувининг заифлашиши, таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида вужудга келадиган маънавий бузилиш ҳодисасидир. М.и. сирасига ёлғончилик, адолатсизлик, ҳурматсизлик, лоқайдлик, бепарқлик, дангасалик, бюрократизм, тухмат, бўхтон, ҳасад, хоинлик, ўғирлик, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, виждонсизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик, орсизлик, номуссизлик ва ҳ.к. иллатларни киритиш мумкин. М.и. жамият маъ-яти каби тарихий тараққиёт давомида шаклланади, янги-янги кўринишларда намоён бўлади. XXI а.да Ғарб мам-тларида гиёҳвандлик, бир жинсли никоҳ, бесоқолбозлик, лесбиянлик (яъни аёлнинг аёл билан турмуш қуриши) ва ҳ.к. М.и. яққол кўзга ташланмоқда. М.и. иқт-й, сиёсий, ҳуқуқий, мад-й, маънавий ва руҳий омиллар, шарт-шароит таъсирида вужудга келади. Мас., иқт-й сабаблар туфайли ўғирлик, ёлғончилик, харомхўрлик, порахўрлик, тажовузорлик, ҳақоратгўйлик, лаганбардорлик, қонунларни менсимаслик, уларни ўз манфаатига бўйсундиришга уриниш, ўзгалар ҳуқуқларини поймол қилиш, фахшга берилиш, зўравонлик, манманлик, талончилик каби М.и. пайдо бўлди. Давлат ва жамият бошқарувидаги бошбошдоқлик ҳам аҳоли турли тоифалари, шу жум-н, раҳбар ходимлар фаолияти, қиёфаси ва феъл-атворида айрим М.и.нинг юзага чиқиши сабаб бўлиши мумкин. Президент И.А.Каримов истиқлолнинг илк даврида чоп этилган “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” номли китобидан ўрин олган асарлар ва нутқларида раҳбар кадрлар фаолиятида кўзга ташланаётган ва собиқ Иттифокдан мерос бўлиб қолган қуйидаги М.и.га эътибор қаратган эди: ижтимоий -сиёсий заифлик, бепарволик, масъулиятсизлик, лавозимни суиистеъмол қилиш, гуруҳбозлик, ҳасад ва тирноқ остидан кир қидириш, қатъиятсизлик, халқ, давлат мулки ва имкониятларидан хусусий манфаатлар йўлида фойдаланиш, ташаббус кўрсатмаслик, ваъдабозлик ва мутелик, тўрачилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва б.. Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида халқимиз ва давлатимиз тараққиётига тўғаноқ бўлаётган М.и.лар ҳақида тўхталиб, «Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз керак» дея бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимиз, айниқса, зиёлиларимизнинг доимий диққат марказида туриши лозимлигини таъкидлайди. Ғарб жамиятида яққол намоён бўлаётган инсоннинг иқт-й манфаатлари ва истеъмолчилик майилларининг устуворлиги маънавий кадриятларнинг сақланиши ва келгуси авлодларга мерос тарзида узатилишига тўсқинлик қилиб, уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатида маъ-ятга зид иллатларнинг авж олишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида моддий жиҳатдан тараққий этган айрим давлатларни маънавий жиҳатдан таназзулга етакламоқда. Тарихдан маълумки, буюк империялар нафақат иқт-й ёки сиёс-й, балки аввало маън-й-ахлоқий емирилиш оқибатида танузулга учраган ва парчаланиб кетган.

Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида маънавий емирилиш, маънавий бузғунчилик жараёнлари ғоят хатарли тус олиб, турли давлатлар ва халқлар маъ-ятига салбий таъсир этмоқда, азалий урф-о. ва анъаналарнинг кадрсизланиши ва оммавий мад-тнинг ёпирилиб кириш хавфини туғдирмоқда. Ш.у. бундай хавф-хатар ва маънавий таҳдидларнинг асл мақсад-муддаолари, оқибатларини теран англаш, бу борада ҳушёр ва огоҳ бўлиш, замон билан ҳамнафас яшаш, айниқса, ёшларимиз қалби ва онгига юксак маънавий қадриятларни сингдириш, уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давр талабидир.